
ФАРҒОНА ШАҲРИДА ЯНГИ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Инсон қадри улуғланаётган юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада вилоятимизда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳридаги ўрганишлари давомида тиббиёт йўналишида амалга оширилаётган янги лойиҳалар билан ҳам танишиб, уларни ўз вақтида ва сифатли фойдаланишга топширилиши юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Хусусан, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига қўшимча 90 ўринли бино қурилиб, “Болалар кардиологияси бўлими”ни ташкил қилиш бўйича амалга оширилаётган қурилиш ишлари кўздан кечирилди. Лойиҳа қиймати 16,5 миллиард сўм бўлиб, янги қурилаётган бинода 30 ўринли кардиохирургия, 30 ўринли онкогематология, 30 ўринли нейрохирургия, 6 ўринли реанимация ва оперблок жойлашади.

Шаҳардаги Юксалиш кўчасида жойлашган Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали балансида бўлган 7 қаватли бинони ҳам бугунги кунда реконструкция қилиш ҳамда ҳудудда янги қабулхона қуришни ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу жараёнлар билан яқиндан танишган вилоят ҳокими кейинги манзилда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилоят минтақавий филиали биноти ёнида қурилиши режалаштирилган интервенцион кардиология ва кардиохирургия бўлими биноти лойиҳасини ҳам кўздан кечирди. 7 миллиард 634 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориладиган биноларни жиҳозлаш, ҳудудда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида янги поликлиника қуриш масалалари масъуллар иштирокида муҳокама қилинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-24 10:20:54